

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017. FM.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ИСОҚОВ МАҚСУД УЗОҚОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН КОНЛАРИДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ
ИШЛАРИНИНГ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

**04.00.02 - Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва
разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Исоқов Мақсуд Узоқович

Ўзбекистон олтин конларида геология-қидирув
ишларининг услубиётини такомиллаштириш ва захираларни
баҳолашнинг ишончлилигини ошириш3

Исоков Максуд Узокович

Усовершенствование методики геологоразведочных работ
и повышение достоверности оценки запасов золоторудных
месторождений Узбекистана.....23

Isokov Maksud Uzokovuch

Improvement of technique of prospecting works and increase
of estimation reliability of gold ore deposits reserves of Uzbekistan (abstract).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.FM.03.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ИСОҚОВ МАҚСУД УЗОҚОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИН КОНЛАРИДА ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ
ИШЛАРИНИНГ УСЛУБИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ЗАХИРАЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ОШИРИШ**

**04.00.02 - Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва
разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертациси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/GM10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши «Минерал ресурслари институти» Давлат корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Зималина Валентина Яковлевна**
геология-минералогия фанлари доктор, профессор

Расмий оппонентлар: **Пирназаров Мажид Маҳкамович**
геология-минералогия фанлари доктори

Антонов Александр Евгеньевич
геология-минералогия фанлари доктори

Конкин Виктор Дмитриевич
геология-минералогия фанлари доктори

Етақчи ташкилот: **“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.03.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2017 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2.Тел./факс: (998971) 227–10–32; e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан руйхатга олинган.) Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч. 2. Тел: (998971) 226-46-00

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ да тарқатилди
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

К.А. Каримов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.Д. Тураходжаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

Х.А. Акбаров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясини аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида янги конларни, жумладан, қимматбаҳо металл конларини излаб топиш ва қидирув ишларини амалга ошириш, уларнинг захираларини тўғри баҳолаш муаммоси доимо долзарб бўлиб келмоқда. Хорижий давлатларда йирик конлар бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар захиралар ҳажмини тўғри ва ишончли баҳолашда геологик, услубий ва техник омиллар асосий кўрсаткичлар эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида олтин конлари захирасини баҳолашнинг илмий асосланган усубларини яратиш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича кенг миқёсида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, маъдан таналарини ва уни геологик блоклари ҳажмини ҳисоблашда 3D-моделлардан кенг фойдаланалиш, замонавий кон-геоинформацион тизим-технологиялари (ГГИС-технологиялари) ёрдамида конлар бўйича геологик маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида кончиликка оид амалий масалаларни тезкор тарзда ечиш мазкур соҳани ривожлантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шу билан бирга, казиб олинаётган ва янги топилган олтин конларида маъдан таналарининг жойлашув қонуниятлари ва шароитлари, уларнинг морфологиясини ва минераллашувнинг тарқалиш хоссаларини ўрганиш асосида геология-қидирув ишлари услубиётини такомиллаштириш ва захираларини баҳолаш ишончилигини ошириш кончилик саноати корхоналаринг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач республикамиз минерал хом ашё базасини кенгайтириш, тоғ-кон саноатининг фаолиятини янада жадаллаштириш ва тубдан модернизация қилиш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўндан ортиқ янги олтин конлари аниқланди ва саноат томонидан ўзлаштиришга жалб этилди. Шу билан биргаликда, стратегик аҳамиятга эга қаттиқ фойдали қазилмалар минерал-хомашё базасини янада кенгайтириш, дунё бозорида талаб юқори бўлган фойдали қазилма бойликларининг янги ва ноанъанавий турларини кенгроқ ўрганиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилмалар, жумладан, қимматбаҳо металл минерал-хомашё базасини ривожлантириш» бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали бажарилишида геология-қидирув ишлари услубиётини янада мукаммаллаштириш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва аниқланган кон захираларининг ишончилигини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2016 йил 13 сентябрдаги ПҚ-2589-сон «Ер қаърини геологик

ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг республикадаги фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёни қайта ишлаш)» бўйича устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Захираларнинг ҳажмини тўғри ва ишончли баҳолаш муаммоларига йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Geological Survey of China (Хитой), Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies (Буюк Британия); Geosciences Institut (АҚШ); U.S.Geological Survey (АҚШ); Марказий илмий-тадқиқот геология-қидирув институти (ЦНИГРИ, Россия); Камёб элементлар минералогияси, геокимёси и кристаллографияси институти (ИМГРЭ, Россия); Россия минерал-хомашё институти (ВИМС, Россия); Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон); «Минерал ресурслар институти» давлат корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда маъданларнинг жойлашув хусусиятлари ва моддий таркибини ўрганишга оид олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ижобий натижалар олинган, жумладан, кон захираларини ҳисоблашда ва геология-қидирув ишларини самарадорлигини оширишда маъданлашувни жойлашув қонуниятлари, структуравий омиллари ва маъдан таналарининг морфологияси каби геологик омиллар аниқланган (Марказий илмий-тадқиқот геология-қидирув институти, Россия), керннинг танловли едирилиши намунадаги олтиннинг ўртача миқдорининг ишончилигига таъсир этиши аниқланган (Россия минерал-хомашё институти, Россия; Минерал ресурслар институти, Ўзбекистон), кон захирасини баҳолашнинг ишончилигига таъсир қилувчи турли геологик омиллар аниқланган; (Geological Survey of China, Хитой), конларнинг захирасини баҳолашда статистик моделлар, яъни вариограммаларни кенг тадбиқ этиш тавсия этилган (Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies, Буюк Британия).

Дунёда бугунги кунда олтин конларида захираларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: маъдан таналарининг жойлашув қонуниятлари ва морфологик хусусиятларини аниқлаш; маъдан таналари ёки ҳисоблаш блокларидаги олтин минераллашувини тарқалиш хоссаларини аниқлаш; геология-қидирув ишлари натижасида ҳисобланган захираларни конни қазиб олиш маълумотлари билан таққослаш асосида уларнинг ишончилилик даражасини ошириш; олтин маъданли конларда геология-қидирув ишларининг услубиётини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Захира ҳисоблашни ишончилиги ва геология-қидирув ишлари усулларини такомиллаштириш

билан боғлиқ муаммолар дунёдаги барча кон-металлургия корхоналари учун муҳим бўлиб, биринчи навбатда ер қаърида ўта нотекис тарқалган олтин маъданлашувига тегишлидир.

Ўзбекистонда ушбу йўналиш ўтган асрнинг 60-йилларидан ҳозирги Давлат геология кўмитасининг «Минерал ресурслари институти»да ривожлантириб келинмоқда. Тадқиқотлар Хайдаркон симоб-сурьма-флюорит конининг Қораарча участкасида баҳоланган захираларининг эксплуатация жараёнида тасдиқланмаганлиги сабабларини ўрганишдан бошланган бўлиб, ушбу йўналишнинг илмий-амалий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда «Минерал ресурслари институти»да «Қидирув услублари» лабораторияси ташкил қилинган. Ушбу лабораториянинг кейинги фаолияти Марказий Қизилқум ва Чотқол-Қурама худудларидаги олтин конларида маъдан таналарининг жойлашув қонуниятлари ва шароитларини аниқлаш, уларнинг морфологиясини ва минераллашувининг тарқалиш хоссалари ҳамда геология-қидирув параметрларини юқори даражадаги ўзгарувчан хусусиятларини аниқлашнинг илмий асосларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг равнақида В.П.Федорчук, Ю.С.Шихин, П.А.Шехтман, С.И.Денисов ва бошқа етакчи мутахассисларнинг илмий фаолияти муҳим аҳамият касб этган. В.Я.Зималина, Г.С.Тилляева, Л.М.Глейзер, И.О.Хамроев, Л.И.Фимушкин ва А.А.Эгамбердиевларнинг илмий-амалий изланишларида эса геология-қидирув ишлари услубиётини янада такомиллаштириш масалалари геология соҳасининг устувор вазифаси эканлиги қайд этилган.

Муаллиф томонидан 1999-2015 йилларда Кўкпатас, Кўчбулоқ, Қизилолма, Кайрағоч, Гужумсой, Маржонбулоқ ва Омонтойтов олтин конларини захираларини ҳисоблаш ва геология-қидирув ишлари натижаларини ишончлилигини оширишга қаратилган бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Бунда, олтин конларидаги маъдан таналари ва минераллашувининг тарқалиш қонуниятларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муасасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Минерал ресурслар институти» давлат корхонаси томонидан 1999-2015 йилларда Геология қидирув ишлари Давлат дастурига мувофиқ «Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтин конлар мисолида ишлатилаётган геологик маълумотларнинг ишончлилигини аниқлаш» (2011-2015), «Ўрталик олтин кони захирасини оптимал баҳолаш мақсадида минерализациялашган маъдан томирлари ва зоналарнинг жойлашуви қонуниятлари ва шароитларини ўрганиш» (2008-2011), «Қайрағоч олтин кони захираларини 2007 йил 1 январь ҳолатига эксплуатация маълумотлари асосида тафтиш қилиш» (2007-2008), «Гужумсой олтин конида геология-қидирув ишлари ва унинг чуқур горизонтларидан намуна олишнинг ишончлилигини баҳолаш» (2005-2007), «Гужумсой олтин конида қазиб олиш ишлари самарадорлигини ошириш учун тавсифномалар ишлаб чиқиш (2004-2007), «Кўчбулоқ олтин конининг геология-қидирув ишлар натижасида ҳисобланган ва эксплуатация жараёнида аниқланган захиралари билан мутаносиблигини маъданларни структуравий-морфологик турларидаги олтиннинг таркибий миқдори класслари билан

боғлиқлиги» (2003-2004), «Кўкпатас конининг қазиб олинган қисмидаги захираларни қидириб топилган захиралар миқдори билан таққослаш» (1999-2001) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистоннинг учта геологик-саноат турига мансуб олтин маъданли конларида геология-қидирув ишларининг услубиётини такомиллаштириш ва олтин захираларини баҳолаш ишончилигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

геологик маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини таҳлил этиш (объектни геологик тузилиши ҳақида тасаввурлар): бирламчи ва жамлама геология-қидирув хужжатлари – бурғилаш кудуқлари кернини ва тоғ иншоотларида кесиб ўтилган маъдан таналарининг геологик хужжатлаштириш маълумотлари, намуналарнинг журналлари, захира ҳисоблаш планлари, кесимлари, ҳамда вертикал ва горизонтал текислидаги проекциялари, структуравий хариталар ва бошқалар;

геология-қидирув ишлари натижаларининг ишончилигини баҳолаш (қидирув тизимининг зичлиги ва геометриялаштирилганлиги, захира ҳисоблаш параметрлари ўртача қийматларининг ишончилиги, ҳисоблаш блоklarини чегаралаш, олтин миқдори кескин юқори бўлган намуналар параметрларини мутаносиб равишда чеклаш йўли билан инобатга олиш, керннинг бурғилаш кудуғидан чиқиш миқдорини таҳлил қилиш, унинг бурғилаш жараёнида танловли едирилиш даражасини баҳолаш, намуна олиш ва намунани тайёрлаш, намуналарни лаборатория шароитида физикавий-кимёвий таҳлил этиш, лаборатория намуна таҳлилларини ички ва ташқи назорати натижаларини ўрганиш ва бошқалар);

керннинг танловли едирилишининг олтиннинг ўртача миқдорига таъсири даражасини баҳолаш;

турли масштабдаги объектларда геология-қидирув ишлари натижасида ҳисобланган захираларни конни қазиб олиш маълумотлари билан таққослаш асосида уларнинг ишончилиқ даражасини баҳолаш (геологик ва эксплуатация блоklarида – маъдан таналарида – кон участкаларида – умуман кон бўйича).

Тадқиқотнинг объекти сифатида 3 та асосий геологик-саноат турига мансуб 7 та - Кўчбулоқ, Қизилолма, Қайрағоч (Шарқий Ўзбекистон) ҳамда Гужумсой, Маржонбулоқ, Кўкпатас, Омонтойтов (Ғарбий Ўзбекистон) олтин маъданли конлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети: олтин минерализацияси жойлашувининг қонуниятлари ва геологик-структуравий шароитлари, маъдан таналарининг ва зоналарининг морфологияси, олтиннинг ўртача таркибий миқдорлари, уларни ўзгарувчанлик хусусиятлари ва бошқа геология-қидирув параметрлари.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида геология-қидирув ишларини аниқлиги ва ишончилигини баҳолаш бўйича жаҳон амалиётида маълум бўлган усуллар кенг қўлланилди:

геологик-структуравий усуллар;

геология-қидирув ва конни қазиб олиш маълумотлари бўйича ҳисобланган захираларни тўғридан-тўғри таққослаш усули;

геология-қидирув қудуқлари зичлигини босқичма босқич камайтириш йўли билан захираларни қайта ҳисоблаб чиқиш ва қидирув қудуқлари орасидаги оптимал масофани эмперик асослаш усули;

маъдан танаси моделига эмперик асосланган қидирув тизимларини кўп вариантли устма-уст тушириш орқали уларни геометриялаштиришдаги хатоликларни баҳолаш усули;

геостатистика усуллари (вариграмма ва уч ўлчамли моделлар);

Шу билан бирга кўп модулли интеграциялаштирилган дастурий таъминот воситаларидан (Surpac, Micromine) ҳам кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор учта геологик-саноат турига (олтин-кварц, олтин-сульфид-кварц ва олтин-сульфид турлари) мансуб олтин маъданли конлар бўйича уларнинг геологик-қидирув ишлари услубиятини такомиллаштириш учун асосий маъдан таналарининг жойлашув қонуниятлари ва шароитларини белгилаб берадиган геологик омиллар тизими ишлаб чиқилган;

олтин маъданли конларда геология-қидирув параметрларини юқори даражадаги ўзгарувчан хусусиятлилиги ва ҳисобланган захираларнинг турли ишончлилиқ даражасига эга эканлиги миқдорий жиҳатдан исботланган;

учта геологик-саноат турига мансуб 7 та кон кесимида экспериментал тадқиқотлар асосида геология-қидирув ишлари услубиятининг асосий элементлари—бурғилаш қудуқлари ва тоғ-кон иншоотлари орасидаги масофа, уларнинг геометрик хоссалари, маъдан таналаридан олинадиган намуналарнинг параметрлари, захира ҳисоблашнинг оптимал усуллари ва конларни қазиб олиш услублари миқдорий жиҳатдан асосланган;

илк бор Ўзбекистон шароитида ГГИС-технологиялар асосида захираларни ҳисоблаш усулларини қўллаш ёрдамида геология-қидирув ишлари самарадорлигини, иш унумдорлигини ошириши ва захираларни ҳисоблаш тезлигини ўртача 30% га кўтариши исботланган;

Ўзбекистон конлари мисолида илк маротаба қидириб-чамаланган ва қазиб олинган маълумотларни таққослаш бўйича мукамаллаштирилган «Қаттиқ фойдали қазилма конларини қидириш ва қазиб олишдаги маълумотларни таққослаш бўйича услубий кўрсатмалар» ва «Маъданли конларда намуналарнинг аниқлилиги ва ишончлилигини баҳолаш бўйича услубий тавсиялар» ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: мукамаллаштирилган услубиёт олтин конларида захираларни ҳисоблаш учун олиб бориладиган геология-қидирув ишларини самарадорлигини оширишда, шунингдек конларни қазиб олиш жараёнида тасдиқланмаган олтин захираларини ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқаришга тайёрлашда фойдаланилган.

Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган «Саноат аҳамиятини йўқотган ёки геология-қидирув ишларини давом эттириш ёхуд конни қазиб олиш жараёнида тасдиқланмаган фойдали қазилмаларнинг захираларини ер қаъридан фойдаланувчиларнинг балансидан чиқариш тартиби тўғрисида Низом» Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон Қарори билан тасдиқланган ва кон-металлургия саноатига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги захираларни ҳисоблаш ва геология-қидирув ишларини ўтказиш бўйича амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш ҳамда замонавий компьютер технологияларидан фойдаланишга асосланади. Маълумотларни таҳлил қилишда компьютер дастурий усулларни қўллаш аниқланган қонуниятларнинг рақамли кўрсаткичларини акс эттириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - Ўзбекистоннинг 7 та олтин маъданли конлари мисолида олтин минерализациясининг тарқалиш қонуниятлари ва жойлашувининг геологик-структуравий шароитлари, маъдан таналари ва зоналарининг морфологияси тўғрисидаги тасаввурларнинг геологик, услубий ва техник омиллар таъсири билан боғлиқлиги илмий асослаб берилган бўлиб бу ўз навбатида янги топилган олтин конларида геология-қидирув ишлари услубиётини такомиллаштириш ва захиралар ҳажмини тўғри ва ишончли баҳолаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - геология-қидирув усулларини такомиллаштириш ва олтин конлари захираларини ҳисоблашнинг ишончлилигини ошириш бўйича илмий хулосалар конларни қидириш ва қазиб олиш маълумотларини таққослаш бўйича ишлаб чиқилган йўриқномада ўз аксини топган бўлиб, ундан Кўкпатас, Қизилолма, Кўчбулоқ олтин маъданли конларидаги геология-қидирув и захираларни ҳисоблаш ишларида кенг фойдаланилган. Эришилган натижалар фойдали қазилмалар бўйича Давлат комиссияси (ДЗК) томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланмаган захираларни ўрнатилган тартиб асосида республикамиздаги кончилик корхоналари балансидан чиқариш жараёнида қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон олтин конларида геология-қидирув ишларининг услубиятини такомиллаштириш ва захираларни баҳолашнинг ишончлилигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Кокпатас олтин кони бўйича қидириб топилган ва қазиб олинган захираларнинг параметрлари ўзаро таққосланиб, улар ўртасидаги номутаносибликларнинг келиб чиқиш сабаблари илмий жиҳатдан объектив равишда баҳолаб берилган ва «Навоий КМК» ДКда жорий қилинган («Навоий КМК» ДКнинг 2017 йил 6 октябрдаги 01-02-02/12246-сон маълумотномаси). Натижада баҳолаш материаллари ДЗК томонидан қайта кўрилиб, тасдиқланмаган захираларни ўрнатилган тартибда «Навоий КМК» ДК балансидан чиқариш имконини берган.

Ўрталик олтин кони захираларини оптимал баҳолаш мақсадида минераллашган томирлар ва зоналарни жойлашув қонуниятлари ҳамда шароитларини аниқлаш натижалари «Уран ва қимматбаҳо металллар геологияси» ИИЧМ томонидан Ўрталик олтин конида геология-қидирув ишларини олиб бориш жараёнида қўлланилган («Навоий КМК» ДКнинг 2017 йил 6 октябрдаги 01-02-02/12246-сон маълумотномаси). Натижада Ўрталик олтин кони геологик тузилиши мураккаблигига кўра 3-тоифага мансуб деб топилган ва бу ўз навбатида маъдан таналарининг геометризацияси, геология-

қидирув параметрлари ва қидириш тўрларининг зичлигини мос равишда оптималлаштириш имконини берган;

Гужумсой олтин конидаги маъдан таналарини жойлашув қонуниятлари ва шароитларини белгилаб берувчи геологик омилларни комплекс баҳолаш натижаси Зармитан геология-қидирув экспедициясида жорий қилинган («Навоий КМК» ДК 2017 йил 6 октябрдаги 01-02-02/12246-сон маълумотномаси). Натижада Гужумсой олтин кони геологик тузилиши мураккаблигига кўра 3-тоифага мансублиги аниқланган ва бу ўз навбатида С1 категориясидаги захиралар учун орасидаги масофа 40x40м, С2 категория учун эса 80x80м ни ташкил этган қидириш тўрларини қўллаш имконини берган;

Кўчбулоқ, Қизилолма, Қайрағоч олтин конлари буйича қидириб топилган ва қазиб олинган захираларнинг параметрлари ўзаро таққосланиб, улар ўртасидаги номутаносибликларнинг келиб чиқиш сабаблари илмий жиҳатдан объектив равишда баҳолаб берилган ва «Олмалик КМК» АЖда жорий қилинган («Олмалик КМК» АЖнинг 2017 йил 9 октябрдаги 09-8189-сон маълумотномаси). Натижада баҳолаш материаллари ДЗК томонидан қайта кўрилиб, тасдиқланмаган захираларни ўрнатилган тартибда «Олмалик КМК» АЖ балансидан чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 5 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Олтин конларининг қидириб-чамалаш услубини ва геологик ахборот ишончлилигини белгилаб берувчи маъданлашув омиллари**» деб номланган биринчи бобида назорат қилувчи омиллар ва улар бўйича маълумотларнинг ишончлилиги олтин маъданлашувининг жойлашиш қонуниятлари ва шароитлари, ўтказилган минералогик ва технологик тадқиқот

натижалари таҳлил этилади, республикадаги 7 та қазиб олинаётган конлар, шу жумладан Гужумсой, Қизилолма, Кўчбулоқ, Қайрағоч, Маржонбулоқ, Омонтойтов, Қокпатас конларида геология-қидирув ишлари ва қазиб чиқариш маълумотлари ўзаро таққосланади.

Гужумсой кони (олтин-кварцли геологик-саноат тури) узилиш дарзликларига тегишли, ўзгаришга учраган сиенит-диоритлар билан боғлиқдир. Маъдан таналари тик ётувчи томирларни, штокверкли зоналарни, субпараллел қатламсимон таналарни ўзида мужассам этади. Маъдан олди ўзгаришлари – гумбеитлар, березитлар. Олтин маъданлашувни белгиловчи ва назоратловчи омиллар – структуравий, литологик, метасоматик. Маъданлашувдаги минерал турлари – олтин-кварцли, олтин-шеелит-кварцли, эркин олтин бўлган олтин-сульфид-кварцли. Маъдан таналари турларини миқдорий нисбатлари: кичик қалинликдаги томирлар етакчилик қилади – 80%, томирчали кварцлашиш зоналар 20% ни ташкил этади. Ётишлари – тикка. Қазиб олиш усули – очик, ер ости. Қайта ишлаш технологияси – гравитацион, гравитацион-флотацион схемалар. Маъданлар маргимуш билан чидамли. Олтиннинг ажратиб олиш коэффициентлари – 93%.

Қизилолма кони (олтин-сульфид-кварцли геологик-саноат тури) вулканоген ва интрузив жинсларда жойлашган. Маъдан таналарининг морфологияси – томирлар, томир-метасоматик, устунсимон ва линзасимон таналари бўлган формацион ораликларидаги уюмлар. Маъдан олди ўзгаришлари: кварцлашиш, серицитлашиш, пиритлашиш, карбонатитлашиш, ортоклазлашиш, аргиллитлашиш, березитлашиш. Маъданлашув жойлашувини белгиловчи омиллар – структуравий, литологик, метасоматик. Олтин таркибларини ўзгарувчанлиги юқори ва жуда нотекис (вариация коэффициентлари – V-200%). Маъдан таналари ҳам тикка ва ҳам ясси ётувчи. Қазиб олиш усули - комбинациялаштирилган (каръер, ер ости). Қайта ишлашнинг технологик схемаси – гравитацион ва флотацион бойитиш. Олтиннинг ажратиб олиш коэффициентлари 85-90%.

Кўчбулоқ кони (олтин-сульфид-кварцли геологик-саноат тури) эксплозив брекчияларга ва формациялар орасидаги қатламланишлардаги ва ақча C_2 трахиандезит-дацитли ҳамда надак C_{2-3} риолит-дацит-трахиандезитли свиталарни ёриқларидаги минераллашган зоналарига мансуб. Куюнди мажмуасини C_3-P_1 граносиенит-порфирлар, кварцли ва фельзитли порфирлари дайкалари билан ҳамроҳликда жойлашган. Маъдан шаклланишидаги муҳим рол асосан структуравий ва литологик омилларга тегишли. Маъдан танасининг морфологияси - ясси, тик ётувчи томирлар, формациялар ораси ва ичидаги метасоматик уюмлар, трубкасимон брекчияли таналар. Маъдан таналарининг ўлчамлари: узунлиги бўйича – 27 метрдан 250 метргача, ётиши бўйича – 195-250 метр. Минераллашув тури – эркин олтини бўлган олтин-сульфид-кварцли, теллурид бўлган олтин-полисульфид-кварцли. Маъданлашув параметрларини ўзгарувчанлиги юқори: олтин таркибини вариация коэффициентлари (V) 200-800% ораликда тебраниб туради. Маъдан таналарини ётиши – яssidан тиккагача. Қазиб олиш усули - комбинациялаштирилган (очик, ер ости). Қайта ишлаш

технологияси – гравитацион ва флотацион бойитиш. Олтиннинг ажратиб олиш коэффициенти – 85-90 %.

Қайрағоч кони (олтин-сульфид-кварцли геологик-саноат тури) шимолда Шовгаз ташлама-сурилма билан, ғарбда Қоратош, жанубда Чукурқўтон дарзликлари билан чегараланган тектоник блокни мужассам этади. Конни қамровчи жинслар – андезитли порфиритлар, кварцлашган дацит-порфиритлар. Маъданлашувни белгиловчи назоратловчи омиллар: структуравий, литологик. Маъданолди ўзгаришлари: кварцлашиш, серицитлашиш, карбонатлашиш, пиритлашиш ва бошқалар. Маъдан таналари ясси, тик томирлар, тўлқинсимон букилишлардаги тасмасимон таналар билан ифодаланган. Устивор бўлган маъдан таналари – тик ётувчи (80°) томирлар. Қазиб олиш усули – комбинациялаштирилган (ер усти ва ер ости). Қайта ишлаш технологияси – гравитацион ва флотацион бойитиш, лозим бўлганда «хвост»ларни цианийлаштириш йўли билан.

Маржонбулоқ кони (олтин-сульфид-кварцли геологик-саноат тури) терриген жинсларда жойлашган бўлиб, Ғарбий Украина, Шарқий, Танги, Сарик-Бел, Перемичка участкалари билан бирга минераллашган штокверни ташкил этади. Маъдан қамровчи жинслар – углеродли алевролитлар, кумтошлар, сланецлар, гравелитлар. Маъданолди ўзгаришлари: кварцлашиш, лимонитлашиш, березитлашиш, аргиллитлашиш, карбонатлашиш, альбитлашиш. Маъдан назоратловчи омиллар: структуравий, литологик, метасоматик. Маъдан таналарини узунлиги бўйича ўлчамлари 40 метрдан 700 метргача, ётиши бўйича 40-270 метр оралиқларда тебраниб туради. Қазиб олиш усули карьер ёрдамида, қисман – ер ости шахтаси (Сарик-Бел участкаси). Маъданни қайта ишлаш технологияси – гравитацион бойитиш ва сорбциялаб цианлаш; олтинни ажратиб олиш коэффициенти – 94-95%.

Омонтойтов кони (олтин-сульфидли геологик-саноат тури) углеродли терриген ва вулканоген жинсларда минераллашган зоналар ва колчедан таналари билан ифодаланган. Маъданларни қамровчи жинслар – углеродли, кварц-слюдали сланецлар, кумтошлар, андезитобазитлар линзалари бўлган S_1 алевролитлар. Маъданолди ўзгаришлари: фельдшпатлашиш, пропицитлашиш, березитлашиш. Маъдан таналари томирчалар, донадор маъданлашган линзалар ва маъданли зоналар кўринишида ифодаланган. Олтин маъданлашуви га таъсир этувчи омиллар - структуравий, литологик, метасоматик. Етакчи морфологик тур – чизикли, тик ётувчи таналар (80%). Ўлчамлари чўзилишларига кўра – 15-710 метр, ётиши бўйича – 4,5-11,0 метр. Қазиб олиш усули - комбинациялаштирилган. Ажратиб олиш – 85-90%.

Кўкпатас кони (олтин-сульфидли геологик-саноат тури) ер қаърининг шимолий-ғарбий йўналтирилган чукур жойлашган ёриқлари билан назоратланади. Маъдан қамровчи жинслар – углеродли кумтошлар, алевролитлар, сланецлар, туфоалевролитлар, туфобрекчиялар S_2 . Қамровчи жинсларни маъданолди ўзгаришлари: лиственитлашиш, березитлашиш. Маъдан таналари ўзида тик ётувчи ва қия ётган, қавариқли ва сиқилишлари бўлган қатамли-линзасимон уюмларни мужассам этади. Олтин маъданлашуви жойлашувини назоратловчи омиллар қатламларни эгикликларидаги

флексурасимон участкаларга мансуб бўлган структуравий, майдаланиш зоналари, юқори дарзлашганлик билан ифодаланган. Литологик назорат, шунингдек қамровчи жинслардаги метасоматик ўзгаришлар ҳам жиддий аҳамият касб этган. Минераллашув тури – олтин-пирит-кумуш-пиритли, сульфидлар билан боғланган чидамли олтин билан, оксидланган маъданларда эркин олтин бўлган олтин-гидрооксидли. Маъдан таналарининг морфологияси: қамровчи жинслар билан мос ётувчи (41%), мураккаб тузилишдаги (59%) ва узунлиги бўйича ўлчамлари 10-900 метр, ётиши бўйича – 40-340 метр. Жинслар ётиқ жойлашган. Қазиб олишнинг асосий усули - оксидланган маъданлар карьер билан қазиб олинади.

Геология-қидирув ва қазиб олиш ишлари натижалари асосида 3 та геологик-саноат турлар бўйича тизимли тасниф ишлаб чиқилди ва унда қуйидагилар акс эттирилди: конни геодинамик позицияси, структуравий позицияси, маъдан қамровчи жинслар, уларни ёшлари ҳамда маъданолди ўзгаришлари, маъдан таналарини етакчи структуравий-морфологик турлари, маъдан жойлашувини назоратловчи омиллар, саноат аҳамиятига молик маъданларни тавсифлари, фойдали компонентлар (асосий ва бирга учровчи), маъдан таналари турларини миқдорий нисбатлари, маъдан таналарини ўлчамлари (чўзилишлари, ётишлари бўйича), тақсимланиш тавсифлари (маъданлашув параметрларини ўзгарувчанлиги), ётиш шарт-шароитлари (тик, ётиқ), қазиб олиш учун мураккаблик гуруҳи, қазиб олиш усули, маъданни қайта ишлаш технологияси ва турли миқёсдаги объектларда (кон, кон участкаси, маъдан танаси, геологик ва эксплуатацион блоклар) қазиб олиш маълумотлари бўйича захираларнинг тасдиқланганлиги.

Геологик омиллар захираларни ҳисоблаш ишончлилигига ҳал этувчи даражада таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, олтин маъданлашуви учун қулай омилларни ажратилиши, уни ҳам қазиб олиш контурида ва ҳам ундан ташқаридаги ҳудудларда (чуқурликларда ва қанотларда) башоратлашга имкон беради.

Иزلанишлар шуни кўрсатдики, геология-қидирув ишлари олиб борилган конлар улардаги захираларнинг қазиб олиш жараёнида тасдиқланишига кўра турли даражадаги ишонччилик даражасига эга. Бу кўп жиҳатдан коннинг геологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб маъдан таналари морфологияси, олтин минераллашувининг тарқалиш хусусиятлари ва маъдан танасининг ички тузилишидаги ўзгарувчанлик билан ифодалангани.

Шунингдек намуналаш усуллариининг ҳам таъсири ҳам экспериментал йўл билан исботлаб берилди ва бу омиллар конларни қазиб олиш жараёнида эътиборга олинаши лозим.

Диссертациянинг «**Геология-қидирув ишлари натижалари ишонччилигини конни қазиб олиш маълумотлари асосида баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобда турли миқёсдаги объектларда (геологик ва эксплуатацион блок, маъдан танаси, кон участкаси, кон) ҳар бир кон бўйича захираларнинг тасдиқланиш даражаси тавсифлаб берилган.

Гужумсой кони. Очиқ усул билан қазиб олинган захираларнинг миқдори геология-қидирув ишлари натижасида ҳисобланган олтин захиралари

микдоридан ошиб кетиши аниқланди. Ер ости йўли билан қазиб олинган маъдан захиралари микдори билан геология-қидирув ишлари жараёнида ҳисобланган захиралар ўртасидаги тафовут (тасдиқланмаслик даражаси) 18,8% ни ташкил этди (умун кон миқёсида). Маъдан таналарини бўйича эса – 0,8% ер ости усулида қазиб олиш жараёнида ва 1-13,8% очик усулда қазиб олишда. Геологик ва эксплуатация блоклари бўйича захираларнинг тасдиқланмаслик кўрсаткичи анча юқори даражада. Умуман олганда ушбу объектнинг хусусиятлари Чармитан конига яқинлиги билан тавсифланади. Ушбу объектда тажриба мақсадидаги маъдан қазиб олиш ишлари шуни кўрсатадики, экспериментал блоklar бўйича захиралар орасидаги тафовут 50% дан кўпроқни ташкил қилади. Бироқ эксплуатацион ишларининг унча катта бўлмаган ҳажмларини инобатга олинса, ушбу кон бўйича қидирув ва қазиб олиш натижаларига кўра маълумотлар тўлақонли таққослаш учун етарли эмас.

Қизиллма кони. Қидирув ва қазиб олиш бўйича тўпланган маълумотлар уларни кон миқёсида тўлақонли таққослаш учун етарли эмас. Коннинг қазиб олинган қисми бўйича бажарилган тадқиқотлар натижасига кўра қазиб олинган ва геология-қидирув ишлари жараёнида ҳисобланган захиралар орасидаги тафовутлар кон бўйича – 20%, кон участкаси бўйича – 25%, маъдан танаси бўйича – 40%, геологик ва эксплуатацион блоklar бўйича эса 5% дан 58,3% ни ташкид этди.

Кўчбулоқ кони. Эксплуатация маълумотларига кўра, турли миқёсдаги объектлар бўйича захираларни тасдиқланиш даражаси юқори: геологик ва эксплуатацион блоklarда геология-қидирув ишлари жараёнида ҳисобланган ва қазиб олинган захиралар микдори орасидаги тафовут +21,7% дан -73,1% гача; маъдан таналари бўйича – -40%, кон участкалари бўйича – +15 %, кон бўйича яхлит олганда +7,4 % ни ташкил қилади (жадвал).

Қайрағоч кони. Ҳисобланган захиралар орасидаги тафовут +19,3% дан +171,5% гача ва -26,1% дан -47,1% гача.

Маржонбулоқ кони. Кон бўйича қидириб топилган захираларнинг тасдиқланмаслик даражаси ўртача $\pm 30\%$ ташкил этади. Баъзи участкаларда у мусбат қийматлардан («Ғарбий» участкада +68%) то манфийгача («Украина» участкасида - 49,8%) кўрсаткичларни ташкил қилади. Геологик ва эксплуатацион блоklar бўйича захираларнинг тасдиқланмаслик даражаси анча юқори бўлиб -3,7% дан -77% гача оралиқни ташкил этади.

Омонтойтов кони. Оксидланган маъданларни қазиб олиш маълумотлари асосида аниқланган захира тасдиқланмаслик даражаси ўртача +6,3% га тенг. (Омонтойтов-Голдфилдс компаниясининг маълумотлари бўйича).

Кўкпатас кони. Кон бўйича геология-қидирув ишлари ва қазиб олиш маълумотларини таққослаш умуман олганда захираларнинг кониқарли (31,9%) тасдиқланиш даражасини кўрсатди. Эксплуатацион блоklar ва маъдан таналари бўйича тафовутлар мусбат қийматлардан (+153 %) манфий (-75,6 %) кўрсаткичларгача ўзгаришини кўрстади.

Шундай қилиб, захиралар таснифи бўйича, конларнинг геологик-саноат туридан қатъий назар геология-қидирув мақсадлари учун мураккабликлари 3 ва 4 гуруҳларга мансуб бўлган ўрганилган олтин маъданли конларда қидириб

топилган ва амалда қазиб олинган захиралар орасида тафовутлар мавжудлиги аниқланади. Тафовутларнинг келиб чиқиш сабаблари геологик («аналогия» хатоликлари), услубий, техник ва тоғ-технологик омилларга боғлиқ. Захиралари ҳисобланган муайян блоклар бўйича тафовутлар сезиларли ораликда мусбат ёки манфий томонга тебраниб туради (+ ёки -). Конни эксплуатацияси жараёнида қазиб олинаётган захиралар миқдорининг геология-қидирув ишлари даврида баҳоланган захиралардан камни ташкил қилиши эксплуатация лойиҳасининг техник-иқтисодий параметрларига салбий таъсир кўрсатишини эътиборга олган ҳолда тавсия этилаётган услубий кўрсатмаларни геология-қидирув ишлари жараёнига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Жадвал

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНДОГЕН ОЛТИН МАЪДАНЛИ КОНЛАРДА
ГЕОЛОГИЯ-ҚИЛИРУВ ИШЛАРИ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯ
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТАҚҚОСЛАШ**

Тузувчи: Исоқов М.У.

Кон	Қазиб олиш усули	Қазиб олиш бўйича тасдиқланганлиги, %			
		кон	кон участкаси	маъдан танаси	геологик ёки эксплуатацион блоклар
2	3	4	5	6	7
Чармитан, Гужумсой, Ўрталик	Комбинациялашган	-18,8	-18,8	Ер ости усулида қазиб олиш -2,7+4,2; ўр.-0,8 очик усулда +53+38,6; ўр. +13,8	Ер ости усулида қазиб олиш -6,30+324 ўр. -18,8-42,04 очик усулда -44,8+357,6 ўр. -4,61+357,6
Қизилолмасой	Комбинациялашган	-20,0	-25	-40	-39,7 -58,3
Кўчбулоқ	Комбинациялашган	+7,4	+15	-40,0	+21,7 -73,1
Қайрағоч	Комбинациялашган	-13,3	-13	-2	+19,3 +121,5 -26,1 -47,1 -26,1-47,1 +19,3+121,5
Маржонбулоқ	Комбинациялашган	-11 +57	-11 +57	-20 +65	-3,7 -77
Украина	Очик		-49,8	49,8	-3,7 -58,7
Ғарбий	Очик	-11 +65	-11 +65	-11+65	+60 -78
Шарқий	Очик	-25	-50	-50	-62
Танги	Очик		-20	-22	-29,7
Сариқ-Бель	Ер ости	40	40	40	97- -77
Перемичка	Очик	-56	-56	-56	+5,2- -59
Омонтойтов	Комбинациялашган	Нордонлашган маъдан +6,3	6,3	Маълумотлар йўқ	
Кўкпатас	Очик	-31,3	-9,0-75,6 +153	+9,0- +153,7	+9,0- +153,7

Изланишлар олиб борилган конлардаги захираларнинг қазиб олиш жараёнида тасдиқланишининг миқдорий кўрсаткичлари эксплуатация ишларининг давом эттирилиши ва ривожланиши билан ўзгариб бориши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жойизки, бу борадаги устувор вазифа – геологик тузилиши нисбатан яқин бўлган конларда ёки кон

участкаларида бурғуланадиган кудуқлар орасидаги масофа ва уларнинг морфометрик параметрларини тадқиқот натижалари асосида исботланган услубий ишланмаларга мувофиқ равишда оптималлаштиришдир.

Диссертациянинг «Захираларни ҳисоблаш амалиётига ГГИС-технологиялари (Surpac, Micromine ва бошқа) ёрдамида анъанавий (классик) усуллар билан таққослаш усулини тадбиқ этиш» деб номланган учинчи бобида Қизилолма ва Кўчбулоқ конларида захираларни ҳисоблашда интеграциялаштирилган кўп модулли дастурий воситаларни қўллаган ҳолда маъдан таналарини моделлаштириш натижалари келтирилади.

Геологик, маркшейдерлик, тоғ-кон ва иқтисодий қисмларни ўзига киритган ГГИС-технологиялари билан ишлаш усули қуйидаги схема бўйича босқичма-босқич бажарилди: намуналаш журналичан кудуқлар, канавалар, дарзликлар, ер ости тоғ-кон иншоотлари бўйича маълумотлар (намуна олинган жой, интервала ва намуналаш натижалари) киритилади; намуналаш натижалари бўйича кондицияларнинг параметрларига боғлиқ ҳолда (борт таркиби, маъдансиз интервалнинг минимал кўрсаткичи ва ҳ.о.) маъданли ораликлар (комполитлар) ажратилади. Улар бўйлаб горизонтал ва вертикал кесимларда маъдан таналари контурлари белгилаб олинади, сўнг маъдан таналарини уч ўлчамдаги каркасли модели (solid) ишланади; параллел равишда маъдан таналарини кейинги ойдинлаштириш ва мувофиқлаштириш учун конни геологик модели (асосий структуралар, маъдан қамровчи жинслар) тузилади; коннинг модели геологик оптималлаштириш мақсадида кейинчалик захираларни ҳисоблаш блокларига (блокли модел) бўлиб чиқилади (ҳисоблашни барча усулларини қўллаган ҳолда).


Худди шу усул бўйича Қизилолма ва Кўчбулоқ конларидаги маъдан таналарининг уч ўлчамли моделлари ишлаб чиқилди (1-, 2-расмлар).

